

Навбатда турганда навбатсиз ўтиб кетадиганлар ҳукми

10:09 / 22.01.2019 6103

Ассалому алайкум! Узтозлар, навбатда турганимизда яъни банкда, метан заправкада ва хоказо жойларда навбатни бузиб кирадиган одамлар бўлади. Улар гуноҳкор бўладими? Динимизда хадис борми?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Навбат ўша навбатда турганнинг ҳаққи ҳисобланади. уни риоясини қилмаслик худди молдан бўлган ҳаққини ўғирлаган, тортиб олган билан тенма-тенг [гуноҳкор](#) бўлади. Бундай қилиш кўринишда арзимасга ўхшайди аслида эса улкан гуноҳлар сирасига киради. [Исломда банданинг](#) ҳаққига зарар етказадиган гуноҳлар қаттиқ қораланади. Ёлғиз Яратганнинг ҳаққи бўлса, ўша маълум бир гуноҳни [Аллоҳнинг](#) Ўзи кечириб юбориши мумкин. Бироқ бандаларга, жамиятга зарар етказилса, ўша зарар кўрган банда ва жамият кечирмагунча, Аллоҳ ҳам кечирмайди.

Биринчидан бу инсон қалбига кибр олиб киради навбатдаагиларни менсимаган ҳисобланади. Бу эса [шариат](#) имизда улкан гуноҳи [кабира](#)дир.

هَلْ لَعَلَّ لَوْلَا إِصْرِي بَلَلْنَا نَعْمَ هُنَّ عُلُوسٌ لَوْلَا إِصْرِي لَلَّ دَبْعٌ نَعْمَ
نَمِيَّةٌ رَدُّ لِقَوْمٍ وَبَلَقَ يَفَنَّاكَ نَمِيَّةٌ نَجَّالٌ لُحْدِي الْإِلَاقَ مَلَسَو
هُنَّ نَوَانَسَحُ هُبُوثَ نَوُكِّي نَأْبَحِي لُجْرَلَانِي لُجْرَلِاقَ رَبِّكَ
قَحْلُ رَطْبُ رَبِّكَ لَلْإِمَّجَلُ بَحِي لِي مَجَلَلَانِي لَاقَ. أَنَسَح
يَذْمُرْتَلَاوُ مَلَسُمُ أُمُ هَاوَرِ. سَأَلَلَا طَمَعُو

Абдуллоҳ [розияллоҳу анҳудан](#) ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қалбида зарра оғирлигида кибри бор киши [жаннатга](#) кирмайди», дедилар».

«Киши кийими гўзал бўлишини, пойабзали гўзал бўлишини ёқтиради-ку?» деди бир одам.

«Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади. Кибр

ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир», дедилар».

Иккисини Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

رَأَى لَوْ لِحْدَيْهِ الْإِقْمَ لَسَوْهُ لَعَلَّ لَيْلِي صَبَّ لَنَا نَعُوهُ وَعَوَدَحْ أَعْنَجَلُ لِحْدَيْهِ الْوَيْلُ لِمَنْ لَدَخَ بَحْلُ أَقْشَمِ وَبَلَقَ فِي دَحْ أَيْ رَبِّكَ نَمْلَ دَخَ بَحْلُ أَقْشَمِ وَبَلَقَ فِي

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қалбида бир дона ачитқи уруғи оғирлигида иймони бор одам дўзахга кирмайди. Қалбида бир дона ачитқи уруғи оғирлигида кибри бор одам жаннатга кирмайди», дедилар».

Иккинчидан, шариат биринчи келганга биринчи бўлиш ҳаққини беради. У эса ўша ҳаққни поймол қилган бўлади. Инсоннинг ҳаққини поймол қилиш шариатимизда ҳаром қилингандир. Бировнинг ҳаққини ейиш гуноҳ. Ҳадисларда айтилганидек, ҳар бир инсоннинг ҳаққи Аллоҳ томонидан берилган. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилган одам Аллоҳ таоло томонидан берилган ҳаққа хиёнат қилган бўлади.

Учинчидан, ўша навбатда турганларнинг қалбига озор берган бўлади. Аллоҳ таоло **“Аҳзоб”** сурасида марҳамат қилади:

دَقَفَ أَوْبَسَاتِكُمْ أَمْ رِيغِبْتُمْ أَنْ تُؤْمِلُوا وَنُؤِي نِيْدُوا
□ أَنْ يَبِّمَ أَمْ تُؤْمِلُوا أَنْ تَبَّ وَأَنْ تَبَّ وَأَنْ تَبَّ

58. Мўмин ва мўминаларга, улар бирор нарса қилмасалар ҳам озор берадиганлар, батаҳқиқ, ўз устиларига очиқ бўҳтон ва гуноҳни олибдилар.

Ҳеч бир айбсиз мўмин эркак ва мўмина аёлга озор берганлар катта гуноҳ қилган бўладилар. Мўмин инсон Аллоҳ таолонинг ҳузурида энг қадрли инсондир. Аллоҳ таоло бошқа оятларда Ўзи мўминларнинг валийси эканини таъкидлаб, айтиб қўйгандир. Кимки мўмин инсонга озор берса, очиқ-ойдин бўҳтон қилган бўлади ва шунга яраша жазосини олади. Валлоҳу аълам!